



ЕТИЛИБ ТУГИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ЭРТА ПОСНАТАЛ ДАВРИДА БАЧАДОН НАЙИ ДЕВОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Р.И. Исраилов¹, Ф.М. Бақоева², М.Ю.Акрамова², З.А. Ахадова²

¹Республика патанатомия маркази Ташкент, Ўзбекистон

²Тошкент педиатрия тиббиёт институти

✓ Резюме

Эрта постнатал даврда бачадон найи девори қаватларидаги такомил топишга, функционал ўзгаришларга хос белгилар ва морфометрик кўрсаткичлар деярлик ўрганилмаган. Етилиб тузилган чақалоқлар бачадон найи деворининг ўзига хос морфологик тузилишини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Тадқиқот объекти сифатида, тузилгандан кейин 1-7-кунлари асфиксиядан нобуд бўлган 14 та қизбола чақалоқлар бачадон найлари олинди.

Натижалар шуни кўрсатдики, янги тузилган чақалоқлар бачадон найи деворининг тузилиши ўзига хос мураккабликга эга ва хос морфофункционал белгилари мавжудлиги аниқланди. Бачадон найи девори умумий қалинлиги, шиллиқ ва шиллиқ ости, ҳамда мушак қаватлари ампула қисмидан бачадонга бириккан қисмига қараб қалинлашиб бориши тасдиқланди. Шиллиқ пардаси қопловчи эпителийсига таркибида янги тузилган чақалоқларда ҳилпилловчи эпителийсига нисбатан секретор турдаги ҳужайралар миқдори устун туриши кузатилди.

Калит сўзлар: чақалоқ, эрта постнатал давр, бачадон найи, онтогенез, морфология.

СПЕЦИФИЧЕСКАЯ МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА СТЕНКИ МАТОЧНОЙ ТРУБЫ В РАННЕМ ПОСЛЕРОДОВОМ ПЕРИОДЕ МЛАДЕНЧЕСТВА

Р.И.Исраилов¹, Ф.М.Бақоева², М.Ю.Акрамова², З.А.Ахадова²

¹Республиканский патологоанатомический центр, Ташкент, Узбекистан

²Ташкентский педиатрический медицинский институт

✓ Резюме

В раннем послеродовом периоде не было изучено нахождение в слоях маточной стенки матки, характерных признаков и морфометрических показателей функциональных изменений. Младенцам, рожденным до зрелости, важно изучить специфическое морфологическое строение маточной стенки матки. В качестве объекта исследования у 14 летних детей, умерших от асфиксии на 1-7-й день после рождения, были взяты fallopievy трубы. Результаты показали, что структура маточной стенки матки у новорожденных имеет определенную сложность и было определено наличие специфических морфофункциональных симптомов. Было подтверждено, что общая толщина маточной стенки матки, слизистых и слизистых оболочек, а также мышечных слоев утолщалась в зависимости от части, прикрепленной к матке со стороны ампулы.

Ключевые слова: ребенок, ранний постнатальный период, маточная труба, онтогенез, морфология.

SPECIFIC MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF THE FALLOPIAN WALL OF THE UTERUS IN THE EARLY POSNATAL PERIOD OF INFANCY BABIES

R.I. Israilov¹, F.M. Bakoeva², M.Y. Akramova², Z.A. Akhadova²

¹Republican Pathological Anatomical Center, Tashkent, Uzbekistan

²Tashkent pediatric medical institute

✓ Resume

In the early postnatal period, it was not studied to find tachomy in the layers of the fallopian wall of the uterus, characteristic signs and morphometric indicators of functional changes. Infants born to maturity is important to study the specific morphological structure of the fallopian wall of the uterus. As an object of the study, 14 year-olds who died from asphyxia on 1-7 days after birth, were taken fallopian tubes. The results showed that the structure of the fallopian wall of the uterus in newborns has a specific complexity and the presence of specific morphofunctional symptoms was determined. It was confirmed that the total thickness of the fallopian wall of the uterus, mucous and mucous membranes, as well as the muscular layers, thickened depending on the part attached to the uterus from the part of the ampoule. In the structure of the mucous membrane-covering epithelium, it was observed that in newborns the amount of cells of the secretory type predominates in relation to the swinging epithelium.

Key words: baby, early postnatal period, fallopian tube, ontogenesis, morphology.

Долзарблғи

Гистология ва гинекология фанларида жинсий тизим аъзоларининг эмбрионал даврда шаклланиши ва такомил топиши муҳим долзарб муаммо ҳисобланади. Бачадон найларининг онтогенезда гистотопограик ўзига хос такомил топиши ўзгача қизиқиш ўйғотади [1,2,3]. Бачадон найи ёки фаллопий найлари эмбрионал даврда мюллер протокларидан пайдо бўлади [4,5]. Бу найлар эмбриогенезнинг 6 хафтасида ўрнатилиб бошлайди ва мезонефрал протокнинг краниал учи эпителийсининг инвагинацияланишидан бошланади. Адабиёт маълумотлари бўйича ҳомила даврида бачадон найи деворининг қалинлиги ампуласидан бачадон қисмига қарад қалинлашиб боради. Бачадон найи девори қалинлигининг асосий қисмини мушак қавати ташкил қилади. Бунда, айлана мушак қалинлиги бўйлама мушак қалинлигидан устун туради. Ҳомилада бачадон найи шиллиқ пардаси бачадонга яқин қисмида қалин, ампуласида юпка [1,2,6,7]. Аёлларнинг репродуктив ёшида бачадон найи мушак қаватининг қалинлиги бачадонга яқин қисмида йўғон, бошқа соҳаларида юқароқ бўлади, бунда циркуляр мушак толалари сфинктер вазифасини бажаради [7]. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, аёллар ёши ўтган сари бачадон найи деворида инвалютив ўзгаришлар, яъни склероз, атрофия ва гипертрофия жараёнлари ривожланади. Бу жараёнлар кўпинча шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларида ўсмирлик даврда кузатилади.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда эрта постнатал даврда бачадон найи бевори қаватларидаги такомил топишга, функционал ўзгаришларга хос белгилар ва морфометрик кўрсаткичлар деярлик йўқ ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: етилиб туғилган чақалоқлар бачадон найи деворининг ўзига хос морфологик тузилишини ўрганиш.

Материал ва усуллари

Тадқиқот объекти сифатида туғилгандан кейин 1-7 кунлари асфиксиядан нобуд бўлган 14-та кизбола чақалоқлар бачадон найлари олинди. Морфологик текшириш учун бачадон найининг барча 4-та қисмидан: воронка, ампула, истмик ва бачадон қисмидан бўлақлар олинди. Тўқима бўлақлари 10% нейтралланган формалин эритмасида 72 соат қотирилди. Очар сувда 4 соат ювилгандан кейин, концентрацияси 70°дан 100°гача ошиб борган спиртларда сувсизлантирилди. Кейин бўлақчаларга парафин куйилиб, ғишчалар тайёрланди ва улардан 4-5 мкм қалинликда гистологик кесмалар тайёрланди. Гистологик кесмалар парафини кетгазилиб, гематоксилин ва эозинда бўялди. Препаратлар бинокуляр ёруғлик микроскопида кўрилиб, ўрганилиб, керакли жойлари расмга олинди.

Натижа ва таҳлиллар

Аввалбор қуйидагини таъкидлаш керакки, янги туғилган чақалоқлар организми жинсий аъзолар, яъни бачадон найи тўқима тузилмаларига онанинг жинсий гормонлари, жумладан эстроген таъсир кўрсатиб, морфологик ҳолатини ўзгартирганлиги кузатилди. Бачадон найи шиллиқ пардасининг айрим жойларида бўйлама жойлашган бурмалар борлиги, найнинг ампула қисмида бурмалар кўплиги уларнинг пайдо бўлишида шиллиқ ости қавати таркибидаги бириктирувчи тўқима ва силлиқ мушак хужайралари мавжудлиги ва уларнинг қисқаришидан пайдо бўлганлиги аниқланади.

Шиллик ости қаватидаги шаклланмаган бириктирувчи тўқима таркибида юпка деворли қон томирлар, бетартиб жойлашган аргирофил толалар, сийрак ўрин эгаллаган бириктирувчи тўқима хужайралари ва уларнинг орасида, аксарият ҳолларда қон томирларга яқин жойларда лимфоид хужайралар ва семиз хужайралар жойлашганлиги аниқланади. Шиллик парданинг хусусий пластинкасидаги бириктирувчи тўқима хужайралари ўзига хос фибробласт ва гистиобластлардан иборат, уларнинг вазифаси тухум хужайра уруғлангандан кейин децидуал хужайраларга айланиб, бачадон найи бўшлиғидаги бластулага озика ишлаб чиқариш ҳисобланади. Қон томирлари асосан майда артериола, венула ва капиллярлардан ташкил топганлиги, венулалар деворида лимфоид хужайраларнинг миграцияланаётганлиги кузатилади.

Чақалоқлар бачадон найи шиллик пардаси юзаси бир қаватли призматик шаклли эпителий билан қопланганлиги, улар орасида уч хил эпителий хужайралари мавжудлиги аниқланади (5). Биринчиси – ташки юзаси тукли эпителий, улар тухум хужайрани бачадон бўшлиғига қараб ҳаракатлантиради. Иккинчиси – секрет ишлаб чиқарувчи эпителий, улар ишлаб чиқазадиган шилимшиқли суюқлик, эпителий юзасини намлаб туради, ооцитни озиклантиради ва тукли хужайралар туқини ҳаракатланишини тامينлайди. Учинчиси – оралик тузилишга эга бўлган илмоқсимон эпителий ҳисобланади. Бу эпителий хужайраларининг ядроси нозик гиперхром тузилишга эга, цитоплазмаси юпка ва эозин билан нисбатан оч бўялади. Биринчи ва иккинчи типдаги қопловчи эпителийларнинг ядроси нисбатан йирик, хужайранинг базал қисмида жойлашган, хроматини тўқ бўялган, кариоплазмасида битта ёки иккита ядроча аниқланади. Бачадон найи шиллик пардаси қопловчи эпителийси таркибида янги туғилган чақалоқларда ҳилпилловчи эпителийга нисбатан секретор ва оралик турдаги хужайралар микдори устун туриши кузатилди [2,7]. Қопловчи эпителий таркибидаги тукли ҳилпилловчи эпителий жойлашган соҳалар нисбатан юпка, уларнинг цитоплазмаси эозин билан очроқ бўялган. Секретор эпителий ўлчамлари нисбатан катта бўлганлигидан, шиллик парда юзасидан бўртиб чиққан кўринишда жойлашган, уларнинг цитоплазмаси эозин билан тўқроқ бўялган.

Бачадон найи девори мушак қавати микроскопик жиҳатдан ўрганилганда шу ҳолат аниқландики, найнинг ампула қисмида мушак қават нисбатан юпка, мушак толалари титилган ва тармоқланган кўринишда, бурмалар пайдо бўлган соҳаларида қисгарган ҳолатдалиги аниқланади. Найнинг ампуласидан ўрта қисмига боришда мушак қавати қалинлашиб, тармоқлангани йиғилиб, йўғинроқ тутамлар пайдо қилганлиги кузатилади. Бачадонга яқин туташган соҳасида мушак қават олдинги қисмларга нисбатан икки баробар қалинлашганлиги, тутамлари йўғонлашганлиги топилди.

Хулоса

Янги туғилган чақалоқлар бачадон найи деворининг тузилиши ўзига хос мураккабликга эга ва хос морфофункционал белгилари мавжудлиги аниқланди.

Бачадон найи девори умумий қалинлиги, шиллик ва шиллик ости, ҳамда мушак қаватлари ампула қисмидан бачадонга бирикган қисмига қараб қалинлашиб бориши тасдиқланди.

Бачадон найи шиллик пардаси қопловчи эпителийси таркибида янги туғилган чақалоқларда ҳилпилловчи эпителийга нисбатан секретор турдаги хужайралар микдори устун туриши кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахтемчук Ю.Т. Топографо-анатомическая характеристика маточных труб у плодов в период онтогенеза / Ю.Т.Ахтемчук, Т.В.Пятницка //Клін. анатомія та опер. Хирургия– 2010. – Т. 9, № 3. – С. 82-85.
2. Ахтемчук Ю.Т. Гистотопография маточных труб у плодов / Ю.Т. Ахтемічук, Т.В. Пятницка //Кл. анатомия опер. Хирургия. – 2010. – Т. 9, № 4. – С. 50-54.
3. Козуб М.М. Розвиток и становления мезонефричних та парамезонефричних проток в ранньому онтогенезі / М.М. Козуб, В.В. Кривецький // Бук. мед. весник. – 2001. – Т. 5, № 1. – С. 88-90.
4. Мавров Г.И. Гистопатология маточных труб у больных с хламидийной инфекцией / Г.И. Мавров, Т.А. Мальцев // Ж. АМН України. – 2003. – Т. 9, № 1. – С. 185-193.
5. Резвяков П.Н. Фенотип гладкомышечных клеток репродуктивной системы плода человека женского пола в эмбриогенезе / П.Н. Резвяков // Морфологические ведомости. – 2004. – № 1-2. – С. 86.
6. Силина Т.Н. Морфологические параметры маточных труб в возрастном аспекте / Т.Н. Силина // Укр. мед. альм. – 2004. – Т. 7, № 3. – С. 114-115.
7. Kamaci M. Observation of isthmic epithelial cells from fallopian tubes at follicular phase by light and scanning electron microscope / M. Kamaci, Z. Suludere, K. Irmak, C. Can, H. Bayan // Eastern Journal of Medicine. – 1999. – № 4 (2) – P. 51-53.

Қабул қилинган сана 09.04.2022